Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 67 (21.186) 1992 йил 3 апрель, жума ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.

МУСТАҚИЛЛИК ВА КАДРЛАР СИЁСАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВнинг вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари билан учрашувидаги нутқи баёни

— Мамлакат тарихида эҳтиёжлар масъулиятли бир даврда, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти. Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳокимлар билан учрашув чоғида, — Ўзбекистон ҳокимлари халқ ва Мустақиллик тақдирини ўз зиммаларига олдилар. Кемага тушганнинг жони бир, дейди халқимиз. Бизнинг ҳам тақдиримиз битта: биз «Мустақил Ўзбекистон» деб аталган бир кемага тушганмиз. Тақдиримиз бирлиги яна шунда кўринадики, жойларда ҳокимлар обрўли бўлса, бу Президентнинг обрўсидир. Ҳокимлар халққа қанча яқин бўлса, халқ Президентга шунча яқин бўлади! Биз бу ҳақиқатни ёдда тутишимиз керак.

— Ўйлайманки, — деб ўз сўзида давом этди Президент, — суҳбатимиз рўй-рост ва ошкора бўлсагина, у самарали бўлади! Агар биз ўз камчиликларимизни ўзимиз дўстона кўрсатиб ўтмасак, табиийки, уни ўзгалар кўрсатиб беришига тўғри келади. Дўст ачитиб, душман кулдириб гапиради, дейдилар. Бугунги учрашувдан яна бир мақсад шуки, ҳокимлик вазифасига киришган дастлабки кунданоқ, ҳар бир қадамимизни танқидий кўз билан баҳолашдир. Ширин ёлғондан кўра, аччиқ ҳақиқат яхшидир. Биз бугунги мулоқотда ҳам ана шу ҳақиқатга амал қилсак яхши бўлар эди.

1. Мустақиллик шароитида кадрлар сиёсатидаги дастлабки қадамлар

Ўзбекистон Мустақиллик шароитида қадам ташлаганига ярим йилдан сал вақт ошди, холос. Хўш ана шу ярим йил мобайнида биз нимага эришдик ва нималарга эриша олмадик? Хусусан кадрлар сиёсатида қандай ўзгаришлар юз берди? Бу жабҳада қандай муаммолар бор ва унинг ечимлари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини амалий жиҳатдан таъминлаш учун республика давлат органлари ва ҳокимият бошқаруви тизимларида жиддий ўзгаришлар ясашга тўғри келди. Худди шу мақсадларда давлат органлари тизимида ўз умрини ўтаб бўлган бир қатор бўғинлар қатъий тугатилди. Бир қатор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг йўналишлари тубдан ўзгарди. Вице-Президент лавозими тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозими таъсис этилди.

Республика Иқтисодиёт қўмитаси — Ўзбекистон Истиқболини белгилаш давлат қўмитасига айлантирилди. Давлат Кооператив таъминоти қўмитаси — Кон трактлар ва савдо бўйича Ўзбекистон давлат акционерлик жамиятига, Телевидение ва радио бўйича давлат қўмитаси — Ўзтелерадио компаниясига, ЎзТАГ — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига айлантирилди ва ҳоказо.

Маълумки бирмунча вақт муқаддам Озиқ-овқат саноати, Мева-сабзавот ва вино саноати вазирликлари мустақил концернларга айлантирилган эди. Бугунги кунда Дон маҳсулотлари вазирлиги ҳам концерн асосида иш юритишга кўчди. Халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида янги концернлар иш бошлади.

Айни пайтда республика манфаатларидан келиб чиқиб, бир қанча бошқарув органлари ва идоралар ташкил топдики, «марказ»нинг аввалги тазйиқи даврида уларни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Бу борада республика тарихида биринчи марта ташкил топган республика Мудофаа ишлари вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Нодир металлар қўмитаси, Божхона хизмати қўмитаси ва бошқа идораларни эслаш кифоя. Яқинда эса Ташқи ишлар вазирлиги қучайтирилди, Ташқи иқтисодий алоқалар комитети эса вазирликка айлантирилди.

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий кучларни ва чегара қўшинларини ўз тасарруфимизга олганимиз — бу ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида дадил ва жуда масъулиятли қадамдир. Буни англаб етмоғимиз керак.

Давлат бошқарув органлари ва идоралар тизимини тубдан ўзгариши давом эттирилади. Бир қатор вазирликлар ва давлат қарамоғидаги идораларни хўжалик ҳисобидаги концернлар ва ассоциацияларга айлантириш кун тартибида турибди. Давлат таъминотида турган бошқарув органлари ва идоралари моддий жиҳатдан тобора ўзини ўзи қоплайдиган тизимга ўтишни таъминлаш кўзда тутилади ва биз шу йўлдан бораверамиз!

2. Ҳокимлик — халқ ҳокимиятининг тимсоли

Мустақиллик чин маънода қўлга киритган қисқа даврни амалдаги халқ ҳокимиятини яратиш устида жиддий изланишлар даври бўлди, дейиш мумкин. Тарихда биринчи марта умумхалқ сайлови асосида ва муқобиллик тарзида ўтган республика Президенти сайлови аслида бу босқични бошлаб берди.

Республика бошқарув ҳокимиятини такомиллаштириш устида кўп бош қотиришга тўғри келди. Сизга маълумки, бизда собиқ марказнинг хом-хатала кўрсатма ва тавсиялари билан бошқарув тизимида бошбошдоқлик юзага келган эди.

Кўп йиллик партия ҳукмронлиги ёнига Советлар, яъни Кенгашлар бошқаруви келиб қўшилди. Кенгашлар айни пайтда халқ депутатлари ижроия қўмиталари вазифасини бажаришга киришган ҳолда, ҳокимият тармоғида ижроия қўмиталари ҳам сақланиб келарди.

Қўш ҳокимиятчилик, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида салбий таъсир кўрсатди. Бошқарувчи кўп, лекин жавобгарнинг йўқлиги сезилиб қолди.

Ўзингизга маълум сабабларга кўра, Президент сайловининг бир муддат кечиқиши бошқарув ҳокимияти такомилини ҳам орқага суриб юборди. Биз Президент сайловини ўтказишга қанчалик кечиккан бўлсак, жойларда ҳокимлик бошқарувини жорий этишга ҳам тахминан шунча кечикдик, деб ўйлайман.

Бугун республиканинг 12 вилоятида 212 шаҳар ва районларида ҳоким тайинланди. Мамлакат пойтахти Тошкентда умумхалқ сайлови асосида ҳоким сайланди.

Ҳокимларнинг асосий кўпчилиги раҳбарлик ишида катта ҳаёт тажрибасига эга. Айни пайтда ҳокимлик сафига янги ва навқирон кучлар ҳам келиб қўшилди. 50 дан ортиқ янги ҳокимлар биринчи марта район ва шаҳар раҳбарлигига келдилар. Ҳокимлар ичида 7 миллат вакиллари бор. Уларнинг умумий ёши бир қадар яшарди дейиш ҳам мумкин.

Бугун биз мустақил республиканинг тарихида энг мураккаб ва айни пайтда ўта масъулиятли бир даврда сиз билан юзма-юз турибмиз. Мамлакатнинг келажак тақдири ва истиқболи кўп жиҳатдан бугун сиз ва бизнинг қай даражада масъулият билан ҳаракат қила олишимизга боғлиқ.

Шуни унутмайликки, халқ бизнинг қуруқ сўзимизга қараб эмас, ишимизга қараб баҳо беради. Одамларни ваъда билан овутишнинг ҳам чеки бор, чегараси бор. Шу нуқтаи назардан ўз ишларимизни танқидий кўз билан баҳолаб, биринчи қадамларимиздан тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур.

Бундай хусусиятга эга бўлмаган, одамийлик, инсонийлик фазилатларини тушунмайдиган шахслар ҳокимлик синовидан ўтолмаслиги турган гап. Шундай экан, баъзи саволларга ҳаммамиз авваламбор, виждонимиз олдида жавоб беришимиз зарур:

— Нега баъзи бир ҳокимларимиз оддий фуқаро билан мулоқотни унутиб қўйганлар?

— Нега лавозимларимиз ўзгарса ҳам иш услубимиз ўзгариши қийин бўлаётир?

— Нега бизнинг айрим ҳокимларимиз бир гуруҳ ҳушомадгўйлар, таъмагирлар қуршовидан чиқиб кета олмаётирлар?

Нега бир тоифа ҳокимлар бугунги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятдан, одамларнинг кайфиятидан узоқроқ туришибди?

— Нега айрим ҳокимларимиз белини қаттиқ боғлаб, кураш майдонида халқ билан ёнма-ён қадам ташлашмаяпти?

— Нега баъзи ҳокимларимиз остонасида, ўз уйида бўлаётган англашилмовчилик, можаро ва тўполонлардан четда туриб, томошабин либосини кийиб олишган?

— Нега халқ ғами йўлида жангчилар, довюрак инсонлар камайиб кетяпти-ю, аксинча «сиёсий ўйинчилар» кўпайяпти?

(Қатъий принципи йўқ, иродаси бўш, шаблъа қайси тарафга эсса, ўша тарафга эгиладиган кимсаларни «сиёсий ўйин»чилар дегим келади).

Биз амалда чинакам халқ ҳокимиятини яратишни мақсад қилиб қўйган эканмиз, ҳар бир ҳоким ўз виждони олдида бу саволларга жавоб беришимиз керак.

Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида ҳоким тайинлаш жараёнлари енгил кўчмаганлигини бугун рўй-рост айтиб ўтишим керак. Вилоят етакчиларини танлашда якдиллик ва ҳамжиҳатликка эришиш осон бўлмади. Кадрлар иши юзасидан фикрлар ўрганиш жараёнида биз кўнгилни хира торттирадиган, кўплаб мисолларга дуч келдик. Раҳбар кадрларнинг ўзаро ноаҳиллиги, бир-бирининг оёғидан чалиши бизга жуда қиммат-га тушмоқда. Ўз навбатида бу аҳвол вилоятларда кадрлар ўртасида нифоқ солишга, аҳилликнинг йўқолишига, тарафкашликка олиб келмоқда. Хўш, бундан ким манфаатдор? Ким ютади?

Афсуски, айрим жойларда ҳокимлар ишни қалашиб турган муаммоларни ечишдан эмас, сайланиш олдида кимнинг кимга садоқати қай даражада эканлигини аниқлашдан бошладилар. Буни жуда катта хато деб ҳисоблайман. Бундай ярамас усуллардан, гина-қудуратлардан, кек сақлашдан ва бўлар-бўлмасга шубҳа қилиш каби иллатлардан батамом соқит бўлиш керак.

Ҳоким ўз ҳудудидаги олий мансабли шахс, юртнинг йўлбошчиси, меҳрибони бўлиши шарт. У майда-чуйда гап-сўзлардан юқори тура билиши керак. Халқнинг доно мақоли бор: «Иш қувган етар муродга, гап қувган қолар уятга».

Ҳурматли ҳокимлар! Ким қандай ҳаёлда юрмасин, ҳар доим бир нарсани унутмаслик керак. Жойларда Президент вакиллари бўлмиш сиз раҳбарларнинг обрў ҳурматингиз — бу Президентнинг обрўсидир. Шуни ҳисобга олганда ўз вазифасини холисона, адолатли, покиза қўллар билан адо қилаётган ҳокимнинг елкадоши, ҳимоячиси, қўллаб-қувватловчиси бўлишга тайёрман.

Келинг, биз ишнинг, катта мақсадларнинг ортидан қувайлик. Ҳокимлик — халқ ҳокимиятининг тимсолидир!

(Давоми иккинчи бетда).

АҲОЛИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 1992 йил 16 мартдан бошлаб халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан, уй-жой-коммунал тармоғи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги тизими ходимларининг иш ҳақи оширилганлиги маълум. 1,8 миллиондан ортиқ кишининг ўртача ойлик маоши 1,7 баравар кўпайди.

Кўрилган тадбирлар — республика Президенти ва ҳукуматининг республика аҳолисини ва, аввало, қайд этилган даромадларга эгa бўлган табақаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражасини сақлаб қолиш йўлида қўйган навбатдаги қадамидир. Бозор муносабатлари қарор топаётган мураккаб шароитда кейинги бир ярим йил мобайнида ўқитувчиларнинг ва халқ таълими бошқа ходимларининг, врачларнинг, илмий кадрларнинг ва бошқа касблар намояндаларининг моддий аҳволини яхшилаш соҳасида бир неча бор қарорлар қабул қилинди. Чунончи, ўқитувчининг ўртача ойлик маоши 1990 йилдаги 200 сўмдан ҳозирги вақтда 1340 сўмга, врачнинг ойлик маоши 290 сўмдан 1660 сўмга етди.

Ижтимоий соҳа ходимларининг ҳозир белгиланган меҳнат ҳақи республика миқёсидаги ишлаб чиқариш тармоқларидаги меҳнаткашларнинг даромадлари даражасига анча яқинлашиб қолди. Бугина эмас, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ижтимоий-маданий муассасалар ходимларининг маошида МДҲнинг бошқа мамлакатларига нисбатан илгари мавжуд бўлган тафовутлар қисқарибгина қолмай, шу билан бирга улардан бир мунча ошиб ҳам кетди. 16 мартдан бошлаб Ўзбекистонда янги ставкалар ва мансаб окладлари оширилгач, масалан, маориф ходимларининг даромадлари бошқа минтақалардаги маориф ходимларининг даромадларидан ўрта ҳисобда 1,4 — 1,7 баравар, соғлиқни сақлаш ходимларининг даромадлари 1,5 баравар, маданият ходимларининг даромадлари 1,6 — 1,8 баравар кўпдир. Буни қуйидаги маълумотлардан билиб олса бўлади:

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎРТАЧА ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ

сўм ҳисобида

	Маориф		Соғлиқни сақлаш		Маданият	
	1991	1.01. 92	1991	1.01.92	1991	1.01.92
Қозоғистон	450	855	450	855	340	645
Қирғизистон	385	770	390	780	350	700
Туркманистон	315	913	410	1189	245	710
Тожикистон	335	670	335	670	320	640
Россия Федерацияси	430	817	430	798	380	720
Ўзбекистон	387	774	356	711	347	694
16.03.92 йилдан		1307		1207		1169

(1992 йилги маълумотлар молия идораларининг оператив ҳисобидан олинди).

Даромадлари қайд этилган ходимларнинг иш ҳақини ошириш учун республика бюджетидан тахминан 13 миллиард сўм ажратиш керак бўлади.

Фармонда белгилаб берилган чора-тадбирлар бюджетдаги ташкилотлар ходимларинингина манфаатларига мос бўлибгина қолмай, шу билан бирга республиканинг жами аҳолиси ҳам бундан наф кўради. Иш ҳақининг ва меҳнат пенсиясининг энг оз миқдорлари 350 сўмдан 550 сўмга етказилди. Бу эса шунга мувофиқ равишда халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат ҳақини янада оширишга олиб боради, меҳнат унумдорлигини кўтариш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш меҳнат ҳақини кўпайтиришнинг асосий манбаи бўлиб қолиши лозим.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиларига ва ногиронларига алоҳида эътибор берилмоқда, улар пенсияларининг миқдорлари энг оз миқдор бўлмиш 700 сўм ҳисобидан қайта ҳисоблаб чиқарилади. Бунинг маъноси шуки, 1 гуруҳ уруш ногирони пенсиясининг энг оз миқдори ойига 1750 сўмгача етади ёки икки баравар кўпаяди. Ватан уруши қатнашчиларининг энг оз пенсияси ҳам икки баравар кўпайиб ойига 875 сўмга етади.

2,4 миллион пенсионерга оширилган пенсия тўлаш учун салкам 5 миллиард сўм ажратилади.

Талабаларни ва ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида навбатдаги тадбирлар кўзда тутилди. Имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойда бериладиган қўшимча ҳақнинг аввалги миқдорларини ва талабалар ошхоналаридаги тушлик овқатлар қийматининг 50 фоиз чегирилишини сақлаб қолиш билан бир қаторда стипендиялар 1,5 баравар оширилади. Олий ўқув юрти талабаси стипендиясининг ўртача миқдори ойига 300 сўмдан 450 сўмга, техникумлар ўқувчиларининг стипендияси 233 сўмдан 350 сўмга етказилади. Ана шу мақсадларга 440 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилади.

(ЎзА).

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИДА

НУКУС («Ўзбекистон овози» мухбири). Бу ерда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишига республика партия ташкилоти тафтиш комиссияси аъзолари, партия аъзолари бўлган вазирликлар ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳам таклиф қилиндилар. Пленумда «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленуми якунлари ва ҳозирги шароитда республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида»ги масала муҳокама қилинди. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг биринчи котиби А. Х. Асанов шу ҳақда маъруза қилди. Республика партия кенгашининг иккинчи котиби Т. Машариповнинг «Қорақалпоғистон республика кенгаши ва унинг аппарати ҳақидаги режа» тўғрисидаги маърузаси ҳам тингланди.

Пленум ишида Қорақалпоғистон республикаси Олий Кенгашининг раиси, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг раиси Д. Н. Шамшетов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилди. Қорақалпоғистон республикаси партия ташкилотининг 1992 йил учун бюджети тасдиқланди. Пленум Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон республика ташкилотларининг ҳамкорликда ишлаши тўғрисида шартномани тасдиқлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИТЕТ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича комитетни тузиш тўғрисида»ги 1992 йил 7 март Фармонига мувофиқ, шунингдек, давлат идоралари билан республика ҳудудидаги барча конфессияларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлаш ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, Дин ишлари бўйича комитет давлат бошқарув идораси ҳисобланади, унинг ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан чиқарган қарорлари вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари учун мажбурийдир.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича комитетнинг марказий идораси тузилиши ҳамда комитет тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

Дин ишлари бўйича комитет марказий идораси ходимларининг сони кўпи билан 38 киши қилиб белгилансин (бинони қўриқлаш ва унга хизмат қилиш ходимлари бу ҳисобга кирмайди), иш ҳақи фонди 1992 йилнинг охиригача 418 минг сўм ва йил ҳисобига 570 минг сўм бўлади.

Дин ишлари бўйича комитетда раиснинг битта биринчи ўринбосари ва ўринбосари бўлишига ижозат берилсин.

Дин ишлари бўйича комитет марказий идораси республика бюджети ҳисобидан пул билан таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш ҳамда маҳаллий бошқарув идораларининг ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан, шунингдек мазкур комитет билан мустаҳкам ўзаро алоқасини таъминлаш масалаларига раҳбарлик қилиш вилоят, шаҳар ва туман ҳокимининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилсин.

Заруратга қараб, жойларда барча конфессияларга мансуб диний ташкилотларнинг, жамоат бирлашмаларининг вакилларидан, олимлар ва тажрибакор мутахассислардан иборат маслаҳат кенгашлари тузилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Савдо вазирлиги, Ўзшартномасавдо уюшмаси Дин ишлари комитетининг ҳисобкитобларига биноан бириктирилган номенклатурага мувофиқ зарур маблағ, асбоб-анжом, машина-ускуна ва бошқа моддий-техника ресурслари ажратиб берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирлиги Дин ишлари комитетига иккита «Газ-24» енгил автомобили ажратиб берсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юқорида кўрсатилган автомашиналарни сақлашга маблағ ва лимит кўзда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Дин ишлари бўйича комитетни зарур шаҳар ва ҳукумат телефон алоқаси билан таъминласин.

7. Тошкент шаҳрининг ҳокими бир ой муддатда Дин ишлари бўйича комитетни жойлаштириш учун бино ажратсин.

8. Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1976 йил 11 майдаги 287-сон қарори (Ўзбекистон ССР қарорлар тўплами, 5-сон, 22-бет) ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.



Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ ҳазратларининг

ИЙД-РАМАЗОН ТАБРИГИ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг улуғ фарзаларидан бири бўлмиш Рамазони шариф ойлари ниҳоясига етиб, Ийд-Рамазон куни етиб келди. Фурсатдан фойдаланиб, азиз юртимиз Мовароуннаҳр мусулмонларининг барчаларини буюк руҳий, маънавий байрам — Ийд-Рамазон билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мусулмонлар бир ой давомида Парвардигор амри бўлган рўзани сидқу ихлос, сабру таҳаммул билан адо этдилар. Бандалик бурчининг яна бирини бажардилар. Аллоҳ таоло ажри савобларимизни зиёда қилган бўлсин. Рамазондаги руҳий, маънавий покланишимиз янги йил рамазонигача давом этсин.

Рамазони шариф арафасида ўз ишини якунлаган Мовароуннаҳр мусулмонларининг навбатдан ташқари V қурултойи динимиз равнақи, мустақиллигимизни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим тарихий қадам бўлди. Мусулмонларимиз бу аждодий заминда ҳамиша якдил ва ҳамжиҳат, бирдам ва биродар эканликларини намоён қилдилар.

Азиз биродарлар! Аллоҳ таолонинг улуғ, файз ва барокотли кунида турибмиз. Юртимизнинг барча шаҳар ва кентлари, қишлоқ ва овулларига Аллоҳнинг раҳмат нури ёғиладиган кундир бу!

Парвардигор, барча эзгуликлар ва фарахмандликларнинг бойси ўзингсан! Халқимиз боши устида мустақиллик ва эркинликни, иймонда собитқадамликни бардавом қилгин. Парвардигоро, Ийд-Рамазонни она Мовароуннаҳрдаги барча муслимларга муборак қилгин! Ризқ-рўзини зиёда қилгин! Бу йилги етиштирилажак ҳосилларни барокотли қилгин!

Парвардигорга ожизона қўл очиб дуо қилар эканман, барчаларингизни ҳайит айёмингиз билан яна бир бор қутлайман.

Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Муҳаммад СОДИҚ Муҳаммад ЮСУФ.

МУСТАҚИЛЛИК ВА КАДРЛАР СИЁСАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Халқ сиз ва бизга умид кўзи билан боқиб турибди. Эл-юртнинг ишончини оқлаш учун тер тўкиб меҳнат қилайлик, қўлни-қўлга бериб ишлайлик! Аҳиллик, иноқлик ва ўзаро ҳурмат бор жойда файз бор, барака бор! Ютуқларнинг гарови ана шунда.

3. Кадрларнинг бурчлари ва масъулияти ҳақида.

Ҳокимларнинг бурч ва вазифаларини жаҳондаги бирон-бир китоб ёки низом ўзида мужассамлаштира олмайди ва бу мумкин ҳам эмас. Эл-юртнинг манфаати учун курашмоқ — энг асосий вазифадир. Баъзан бир одамнинг кўнглини топиш осон эмас. Лекин ҳоким ўз юртида барча фуқароларнинг умумий интилишларини, умумий аҳвол ва шароитини доимий ҳис қилиб туриши керак. Бир сўз билан айтганда, ҳоким ўз ҳудудининг ўй ва ташвишлари билан яшаши, ўз фуқароларининг дарди ва ҳасратига шерик бўлиши шарт.

Мен эндиги шароитда ўз фуқаролари билан бир ҳудудда яшаб, бирга нафас олмайдиган ҳокимни тасаввур қила олмайман. Бизнинг аввалги шароитимизда ҳудудма-ҳудуд қатнаб, раҳбарлик қилишга ҳам кўникиб кетилган эди. Бундай тоифа раҳбарлар соатбай ишлаган мардикорга ўхшарди.

Ҳокимлик бундай раҳбарлик усулларини мутлақо рад этади. Ҳоким кеча-кундуз ўз ҳудудининг фидойиси бўлиши керак. Унинг иш вақтини ҳам соатлар билан ўлчаб бўлмайди. Ҳоким —кеча-кундуз ўз ҳудудидаги ҳамма воқеа учун биринчи навбатда жавобгар шахсдир. Лекин бугун шу даврада, учрашувда ҳокимлик даражаси ва масъулиятини ҳис этмайдиган кишилар борлигига мен ишонмайман. Ҳокимларимизнинг аксарияти раҳбарликнинг бир қанча поғоналарида муваффақият билан ишлаб келган, эл-юртнинг назарига тушган кишилар эканлигига ҳам шубҳа йўқ. Шунга қарамай, мен бугунги учрашувда ҳокимлик тақдирида муҳим роль ўйнаши табиий ҳол бўлган бир неча муҳим масалаларга тўхталиб ўтишни истардим.

Булардан **биринчиси,** қабул масаласи. Ҳоким маҳкамасида ҳар бир фуқаро учун эшик очиқ бўлиши шарт деб ўйлайман. Бу борада мен Президент аппаратини намуна қилиб кўрсатишни истамаган ҳолда, бир неча мисол келтирмоқчиман.

Мисолни Президент қабулхонасидан келтиришимга сабаб — бизнинг тақдиримиз битта бўлгани каби аслида қабулхонамиз ҳам битта. Бир идорада иши битмаганлар доимо иккинчи идорага мурожаат қилишга мажбур бўлишади. Қолаверса, энг чекка қишлоқдаги кичик идорада адолатнинг топталиши энг юқоридаги давлат идорасининг обрўсини тўкади. Қишлоқ дўконида сотувчига пора узатган киши, ўша сотувчининг устидан турган вазирини ҳам порахўр деб билади. Қишлоқ Советидан ранжиб чиққан шикоятчи Олий Кенгаш ҳақида ҳам ижобий фикрда бўлолмайди.

Президент қабулхонасига шу йилнинг биринчи кварталида мурожаат қилувчиларнинг сони кўпайиб кетганлигини ҳисобга олиб мен, бу ерда ҳозир бўлган айрим ҳокимларни жиддий огоҳлантириб қўймоқчиман. Шу йилнинг январь-март ойларида Президент қабулхонасига 5 мингга яқин киши мурожаат қилди. Ваҳоланки, ўтган йили бундай мурожаат сони бутун йил давомида 8639 кишини ташкил этган эди, холос.

Энг кўп шикоят ва ариза билан мурожаат қилувчиларнинг аксарияти Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларининг чекига тўғри келади. Афсусланарли жойи шундаки, ариза ва шикоятларда қўйилган масалаларнинг асосий қисми маҳаллий органларнинг ўз вазифасига киради. Одамларни арзимас сабабларга кўра сарсон-саргардон қилишга, бевосита ўз зиммасидаги иш учун жавобгарликни ўзидан соқит қилишга уринишга чек қўйиш пайти келди деб ўйлайман. Ҳоким остонасидан норози бўлиб чиққан ҳар бир киши давлат сиёсатидан ҳам норизо бўлишини унутмайлик!

Иккинчиси,— хатлар билан ишлаш масаласидир. Бу ҳокимият учун ғоятда мураккаб ва муҳим, айни пайтда ҳаётнинг барча муаммоларини ўзида акс эттирувчи манбадир. Шу боисдан мен ҳар бир ҳокимга ўз номига келган барча хатлардан хабардор бўлишни, уларни эринмай, сабр-тоқат билан ўқишни тавсия қилган бўлардим. Ҳар бир хат ортида жонли одам, юрт ҳокимига катта ишонч билдирган ва ундан нажот кутган шахс турганлигини ёдда сақлашни илтимос ва талаб қилган бўлардим.

Таҳлил шуни кўрсатиб турибдики, Президент номига келган умумий шикоят хатларининг 80 фоизидан кўпроғини жойларнинг ўзида бемалол ҳал этса бўлади. Маҳаллий ҳокимият тасарруфига тегишли бўлган кўпдан-кўп илтижо масалалар, афсуски, идорама-идора ўтиб юрибди. Масалан, уйжой қуриш учун ер участкалари ажратиш ҳақидаги илтимосномалар ҳамон Президент маҳкамасига келиб турибди. Уларнинг аксарияти шуни тасдиқлайдики, арзгўйнинг талабларида жон бор. Наҳотки, бу борада тегишли Фармон бўла туриб ҳам одамларни сарсон-саргардон бўлишига йўл қўйилса? Бу аслида давлат маҳкамасида ўтирган амалдорнинг оддий хатоси эмас, унинг жиноятидир! Бориб турган таъмагирлик, саломлашишни ҳам пулга сотишга ўрганиб қолганини кўрсатмайдими? Бевосита хизмат вазифасига кирган юмуш учун одамларни сарсон-саргардон қилиш ана шундай баҳоланишини истардим.

Бир қанча мисоллар келтираман. Хоразм вилоятининг Ҳазорасп районидан йўлланган хатда бир гуруҳ ўқитувчилар 1989 йилдан буён ер участкаси олиша олмаётганлари ҳақида Президентга ёзишади. Бу масала район ва вилоят раҳбарлари ҳузурида ҳам ижобий ҳал бўлмаган. Президент маҳкамаси аралашуви билан масала ечилди, лекин нега айбдорлар жазога тортилмайди?

Улуғ Ватан урушининг ногирони фарғоналик М. Йўлдошев уй-жой шароитини яхшилаш юзасидан ўтган йилнинг охирида Президентга хат билан мурожаат қилган эди. Ушбу ариза юзасидан Фарғона вилояти ижроия қўмитаси раисининг «...аризачининг уруш ногирони эканлигини эътиборга олиб, тегишли ҳужжатлар билан яшаш жойидан имтиёзли навбатга олиниши таклиф қилинди» деган юзаки жавоб бериши учун уч ой вақт керак бўлганини қандай баҳолаш керак? Агар ижроқўмда бирон бир зот аризачининг хатига ақалли кўз юғуртириб чиққанда эди, унинг «1989 йилдан буён имтиёзли навбатда турганлигини» билиб олган бўларди!

Андижон, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган вилоятларида фуқароларнинг хатларига эътибор суст, расмиятчилик ғоятда устунлик қилаётганлигини эслатиб ўтишни лозим деб биламан.

Учинчидан, мен эътиборингизни миллатлараро муносабатларга қаратмоқчиман. Миллатлараро муносабатлар тарозисини тўғри тутиш энг муҳим масалалар қаторига киради. Мана шу ўринда ҳоким аслида умумхалқ синовидан ўтади.

Кадрлар масалаларини ҳал этишга даҳлдор кишилар, айниқса, бизнинг халқларимизнинг кўп миллатли хусусиятларини эътиборда тутишлари зарур. Кадрларнинг таркиби устида ҳам биз миллий ва маҳаллий чекланишлардан устун туриш учун барча чораларни кўришимиз лозим бўлади. Бу ўринда республиканинг кўп йиллик шаклланган ҳаёт тарзини, кўпмиллатлилик хусусиятларини, ўзаро ҳурмат ва дўстлик ришталарини сақлаб қолиш мақсадларидан келиб чиқиб иш тутишимиз лозимдир.

Тўртинчидан, биз кадрларнинг ишбилармонлик фазилатларини етарлича қадрлай билишимиз керак, деб таъкидлаб ўтмоқчиман. Бирон бир ташаббускор одам биз кўп йиллар кўникиб қолган ичдан-қолипдан четга чиқса борми, бу кўпчилик раҳбар ўртоқларга ғалати туюлади, ёқмайди. Биз одамларнинг шахси бизга ёқадими — йўқми, қатъий назар, уларнинг фикрига, ташаббусига ҳурмат билан, жамият манфаатлари нуқтаи-назаридан қарашга ўрганмоғимиз керак.

Янгиликнинг дунёга келиши баъзан ҳаммага ҳам хуш келавермайди. Айниқса, ҳамма жойда айтганимдек, дегувчи раҳбарларга бу ёқмаслиги мумкин. Биз одамлар фикри билан ҳисоблашишни ўзимизга қоида қилиб қўяйлик. Ҳаёт тараққиёти эски қолип ва қоидаларни улоқтирибгина олга қадам босади. Биз ҳаммамиз ана шу оддий ҳақиқатни англаб етишимиз керак.

Бир киши иш бошлаб, икки киши назорат қилиб туриши каби ярамас иш услубларига барҳам берилмагунича ҳаёт ўзгармайди. Келинг, биз шунга эришайлик, ҳамма қатори ишбилармон фаолиятини фақат қонун кузатиб турувчи бўлсин. Ишбилармон қонундаги солиқларини тўлагач, қонун талабларини бажо келтиргач, ўзини эркин ҳис этсин, яна кимларнидир боқиб туришдан мутлақо озод бўлсин. Ҳар қандай жамиятга фойдали ишнинг этагидан тутишни ихтиёр этган ишбилармон аллакимнинг марҳаматига эмас, фақат қонунга тобе бўлсин! Биз мана шундай вазиятни вужудга келтирмас эканмиз, ишбилармонлик ҳаракати ўз-ўзидан равнақ топмайди.

Бизнинг халқ хўжалигимизга Туркия, Хитой ва ғарб технологияси кириб келиши учун оммавий кураш бошланди. Бу яхши, албатта. Бироқ ўз юртимизда, ҳар бир вилоятда оммалаштиришга арзигулик тадбиркорлик, ишбилармонлик тажрибалари борки, биз бундай ички имкониятлардан ҳам унумли фойдалана олишимиз керак. Олдимиздан оққан сувни қадрлашни ҳам ўрганайлик!

Бешинчидан, ҳокимлар ўз иш фаолиятининг биринчи куниданоқ қонунчиликни мустаҳкамлаш устида қайғуриши керак, деб биламан. Қонунчилик — бу интизом, адолат, ҳалоллик, тенглик гаровидир. Биз янги ҳокимиятда шуни эътиборга олиб, имкони борича ҳокимнинг биринчи ўринбосари ҳуқуқ органлари билан бевосита шуғулланиши лозим деб биламиз. Бу қонун ва ҳуқуқ идораларига эътиборни кучайтиришни таъминлашга хизмат қилади, албатта.

Лекин ҳаёт бу тизимларга ҳам жойларда жузъий ўзгаришлар киритмоқда, бу соҳа айрим ҳокимиятларда оддий ўринбосарлар қўлига ўтиб қолишига тўғри келиб қолмоқда. Бироқ бундан қонунчиликнинг, ҳуқуқ-тартибот ишларининг савиясига путур етишига йўл қўймаслигимиз керак.

Бир замонлар «Ўзбекистонда мафия борми-йўқми?» деган баҳслар бўларди. Энди бундай саволнинг ўзи кулгили туюлади. Афсуски, бизнинг давримизда мафиядан жирканмайдиган одамлар топилиб қолди. Бундай тоифалар ҳатто раҳбарлик доирасига ҳам суқилиб киришгача бориб етдилар. Юқори ўринда туриб ҳам давлат, ҳам мафия этагидан тутиб туришни орзу қиладилар.

Ҳатто бундай кишилар мафия гуруҳлари билан алоқадорлигидан фахрланадиган бўлиб қолдилар. Мафия улар учун енгилмас қалқон ролини ўтайдиган бўлди. Мен аминманки, бундай гуруҳларнинг ишонган тоғлари билан таг-томиригача қўпоришга халқимизнинг қурби етади. Халқимиз эртами-кечми улар юзига қора куя суртиб, мафия ва унинг раҳнамолари жойи қаерда эканлигини кўрсатиб қўяди!

Қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши кўп жиҳатдан ҳокимларнинг шахсий намунасига боғлиқ эканлигини унутмайлик. Халқ қонунни ҳурмат қилиши учун аввало унга ҳокимлар ҳурмат билан муносабатда бўлиши керак. Қонун олдида ҳамма баробар бўлишининг биринчи шарти ҳам ана шунда. Одамлар тўғри бўлсин, десак аввало ўзимиз тўғри бўлишимиз керак. Фуқаролардан инсоф кетмасин десак, ўзимиздан инсоф кетмаслиги лозим. Биз ҳамма соҳада кадрларни синовдан ўтказишимиз керак, бироқ қонун номидан иш кўрувчи раҳбар кадрдан тортиб энг оддий ходимга қадар жиддий синов чиғириғини ратишимиз керак. Токи кўнгли тубида озгина қинғирлик яшириниб ётган киши ҳам бу «қил кўприк»ка дуч келса тиззаси қалтираб, тили тутилиб қолсин!

Лекин шунга қарамай, жойларда қонун маҳкамалари, ҳуқуқ-тартибот органлари, текширув-назорат идораларига ўз кишиларини тиқиштиришга уриниш хаттиҳаракатлари ҳақидаги маълумотларга ҳам эгамиз. Бундай уринишларнинг оқибати яхши бўлмайди деб огоҳлантиришни истардим.

Кадрлар масаласида бугун маҳаллий ҳокимиятга катта имконият ва ҳуқуқлар бериб қўйилганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бир пайтлари ҳатто узоқ вилоятдаги хўжалик раҳбарларининг тақдири ҳам собиқ марказком идораларига, унинг сон-саноқсиз бўлимлари ихтиёрига бериб қўйилган йилларни ҳам биламиз-ку! Айрим идоралардаги оддий штат эса Москва розилигисиз ҳал бўлмасди! Бугун эса вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари ўз ҳудудидаги барча вазифаларни ҳал этиши мумкин. Бироқ бундай имкониятдан ҳам тескари, иш манфаатига зид мақсадларда фойдаланишга уриниш сезилиб қолмоқда. Ошна-оғайнигарчилик, қуда-андачилик баъзан умумхалқ манфаатларидан устун қўйилаётганига қандай баҳо бериш мумкин?

Ҳокимлар идора ишини яхши ташкил қилиб, қабул қиладиган фармон ва қарорларимизни, айниқса, Қонунларимизни ҳаётга татбиқ этилиши чорасини кўрмасалар, амалдаги бутун сиёсатимизга катта зарар етказишлари мумкин.

Олтинчидан, биз дин ва диний маросимларга юксак эътиқод ва ҳурмат нуқтаи-назаридан қарашга ўрганишимиз керак. Биз бунда давлатнинг диндорларга, диндорларнинг давлатга қилган хизматини санаб ўтиш йўлидан бормаслигимиз керак. Тўғри, дин равнақи йўлида сўнгги йилларда қилинган ишларни асрларга қиёслаб бўлмайди, албатта.

Биргина Наврўз байрами, Рўза ва Қурбон ҳайитларининг тикланишини нима билан қиёслаш мумкин? Булар фақат диндорлар учун қилинган марҳамат деган талқинга мен қаршиман. Бу байрамларнинг тикланиши аслида халқ қадриятларининг тирилиши, аждодлар руҳининг қайта уйғонишидир деб баҳоланишини истардим.

Ота-боболар руҳи олдидаги қарзимизни узган эканмиз, дуч келган мажлису қарорда қанча мачита мадрасани эгаларига қайтариб берганимизни такрорлайвермаслигимиз, содда обрў қидирмаслигимиз керак. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги қонун ҳам аслида биздан шундай йўл тутишни тақозо этади.

Биз мусулмон ва бошқа дин вакиллари билан кундалик ишимизни бундан кейин ҳам такомиллаштириб борамиз. Диндорларнинг, дин пешволарининг маслаҳатларини, эҳтиёжларини ўз фаолиятимизда инобатга олишимиз керак. Шу мақсадда Вазирлар маҳкамаси қошида Дин ишлари бўйича махсус қўмита туздик.

Лекин муаммоларимиз ҳам бор. Дин вакиллари орасидаги гуруҳларнинг ўзаро келишмовчиликлари, ички ихтилофлар, баъзи шахсларни ноўрин ҳимоя қилишга, ҳатто кадрлар сиёсатига аралашишга интилишлари жойларда нохуш вазият содир бўлишига олиб келаяпти. Баъзи ҳолларда жамоат тартибини сақлаб, фуқаролар хотиржамлигини таъминлаш учун маъмурий органларнинг аралашуви зарур бўлиб қолаяпти.

Бизнинг дин ва диндорлар вакилларига муносабатимиз «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунимизда аниқ ифодаланган. Ҳаммамиз фақат шу қонун доирасида фаолият кўрсатишимиз ва ўзаро ҳурмат-эътиборимизни кучайтиришимиз зарур.

Еттинчидан, Республика мустақилигини амалда таъминлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабатлари билан бугун бутун мамлакат тақдирида кутилмаган муаммолар қўндаланг турибди. Бу муаммолар янги шароитларда ишлашга ўтган бизнинг ҳокимлар ва уларнинг маҳкамаларини ҳам четлаб ўтмайди, албатта.

Мана шундай шароитда турли фикрлар, турли сиёсий оқимлар бўлиши табиийдир. Ҳар турли сиёсий партиялар дунёга келиши турган гап. Ҳокимлар ўзлари қайси бир партияга мансуб бўлишидан қатъи назар, барча партиялар, турлича оқимларнинг баҳс ва мўнозараларига сабр-тоқат билан муносабатда бўлишга, эл-юрт манфаатига даҳлдор таклиф қайси партия ва қайси сиёсий оқимга тегишли бўлмасин, амалга оширишга шай бўлмоғи керак.

Истиқболли кадрларни қўллаб-қувватлашда уларнинг сиёсий мақсади ёки диний эътиқоди эмас, балки Ватан ишига бўлган ҳалол муносабати, қобилияти, ишбилармонлиги ва билимдонлиги каби сифатлар асосий мезон бўлишини шарт қилиб қўяйлик.

4. Ўзбекистон — жаҳонга, жаҳон — Ўзбекистонга интилмоқда. Кадрлар тайёрми?

Маълумки, жаҳон Ўзбекистонга ўз дарвозасини очди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биноси ёнида хилпираб турган Мустақил Ўзбекистон байроғи ҳам уни тасдиқлаб турибди. Айни пайтда Ўзбекистон ҳам жаҳонга ўз дарвозаларини дўстона меҳр ва илтифот билан очди. Тошкентда бир неча элчиҳоналар очилди ва очилиш арафасида турибди. Жаҳоннинг юздан ортиқ давлати Ўзбекистонни расман таниди ва дипломатик алоқаларни боғлашга киришди.

Ўзбекистон дўстларининг сафи кенгаймоқда. Биз айни пайтда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги собиқ иттифоқдошларимиз билан ҳам ҳар томонлама тенг ва дўстона алоқаларимизни сақлаб қолиш тарафдоримиз. Бу йўлда сабр-тоқат билан иш олиб бораверамиз. Дўстлик риштасидаги бironта ипнинг узилишига йўл қўймасликни истаймиз.

Чет элнинг йирик компаниялари, фирмалари ва банклари билан бўлган учрашувлар ҳамда музокаралар шуни кўрсатадики, беадад табиий бойликлари, халқимизнинг меҳнатсеварлиги, сиёсий вазиятнинг барқарорлиги туфайли Ўзбекистонга хориж сармоясининг эътибори ортмоқда. Масалан, машҳур «Лонро» компанияси билан тузилган битимга кўра, иккинчи фабрика ишга тушгандан сўнг Учқудуқда олтин қазиб олиш 1993 — 1995 йилларда икки марта ошади.

Ўзбекистонга бўлган эътиборнинг кучайиши асосан Ташқи ишлар вазирлигига ҳамда бошқа вазирликлар ва маҳкамаларнинг ишчанлигига, уларнинг юқори малакасига, самарали иш натижасига жуда ҳам боғлиқдир.

Афсуски, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Узглавлегснабсбыт», миллий банк ходимларининг ташқи иқтисодий фаолиятида, шунингдек жумҳуриятнинг бошқа ташкилотлари ишида айрим пайтларда қўпол хатоларга, масъулиятсизликка, малакасизликка, бўшангликка йўл қўйилмоқда. Айрим мансабдор шахслар республика манфаатларига хизмат қилмайдиган шубҳали контрактларга имзо чекишмоқда.

Аммо биз ташқи иқтисодий алоқа жабҳаларида ҳеч кимга ва ҳеч қачон Ўзбекистон номига иснод келтиришга сира йўл қўймаймиз. Шунинг учун ҳам бу масала билан шуғулланадиган республика Прокуратурасидаги махсус қисмга маъмурий органларнинг сара кучларини жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон ўзининг мустақил сиёсий ва иқтисодий йўлини аллақачон белгилаб олди ва бу йўлдан шахдам бориш учун бизнинг юртимизда тинчлик, осойишталик керак.

Бизнинг она юртда ҳамма бойлик бор. Қора олтин деб аталмиш нефтдан озгина танқислик бор эди, Наврўз байрами арафасида Аллоҳнинг ўзи уни ҳам инъом этди. Мингбулоқдан отилиб чиққан бу бойликни сиғдира олмай бутун мамлакат овора. Мингбулоқдек битмас-туганмас нефть конининг кашф этилиши Ўзбекистон келажаги янада порлоқ бўлишидан бир нишонадир.

— Қадимий йил ҳисоби бўйича Наврўз — Янги йилнинг дастлабки кунлари бошланди, — деди Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ўз нутқининг пировардида. — Янги йилдан бошланган саъй-ҳаракат ҳамиша баракали бўлади. Ўйлайманки, биз кадрлар сиёсатидаги ўтмиш хатоларидан сабоқ олиб, Мустақил Ўзбекистоннинг бугуни ва келажаги учун астойдил ишга киришамиз. Жаҳонда Ўзбекистоннинг ўз ўрни бўлиши учун курашмоқ — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

МУСТАҚИЛЛИК ТИЛДАН АЙРИ БЎЛМАЙДИ

● Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Эркин Самандаров Давлат тили ҳақидаги Қонун ва дастурнинг бажарилиши тўғрисида гапирди. У мактаблар, олий ўқув юртлари учун дарсликлар, қўлланмалар ва дастурлар бутунлай қайтадан тайёрланиши зарур бўлгани ҳолда бугунги кунда фақат ўрта мактабларнинг 7-8-синфлари учунгина адабиёт дарслиги тайёрланганини таассуф билан эътироф этди. Бошқа дарсликлар мазмуни ҳамон эски қолипдан чиқмаяпти, уларда бир ёқлама ва ўта тор, аксарият ҳолларда эски мутелик кайфияти устун бўлиб, ўз йўналиши билан Ўзбекистон мустақиллиги ғоялари талабларига зид келиб қолмоқда.

Тарих фанини, айниқса Ўзбекистон тарихини ўрганиш катта муаммолардан бири бўлиб турибди, деб таъкидлади Эркин Самандаров, ўрта мактаблар учун шу фандан зудлик билан пухта қўлланмалар тайёрланиши, Халқ таълими ва Олий таълим вазирликлари Матбуот давлат комитети билан биргаликда зарур ўқув дастурларини нашр этиш муаммоларини пайсалга солмай ҳал қилишлари лозим.

Техника олий ўқув юртларида ўзбек тили дарси фақат рус гуруҳларида ўтилаётир, аслида барча гуруҳларда ўзбек тили ва адабиёти фанлари ўқув дастурига киритилиши бугунги кун талабидир. Олий техника ўқув юртларининг талабалари ўзбек тили ва адабиётини билмас экан, келажакда улар чинакам зиёли, яхши мутахассис бўлиб етишишлари қийин. Гарчи бозор иқтисодиёти шароитини бошидан кечираётган бўлсакда, Ўзбекистондаги барча ўқув юртлари ўқув дастурига ўзбек тили ва адабиёти дарслари киритилиши зарур, деди Бош вазир ўринбосари.

Республикада ўзбек тилини ўргатиш ва ўрганиш муаммоларидан бири — рус забон кишилар ва она тилини билмайдиган ўзбеклар учун алоҳида-алоҳида тўгараклар ташкил этиш. Бу тўгараклар қуруқ қоғозда эмас, амалда ишласинлар. Тўгараклар ишини назорат қилиш, ҳукумат идоралари ва вазирликларда иш юритишни зудлик билан Давлат тилига ўтказиш, йиғилишларни тўла-тўкис давлат тилида олиб бориш шарт. Биздаги айрим ташкилотларда мажлислар рус тилида ўтказилади-ю, кейин шу тилда ёзилган мажлис қарорлари маош олиб ишлайдиган таржимон орқали ўзбекчага ўгирилиб, сўнгра юқори идораларга жўнатилади. Бундай ҳолларга чек қўйиш керак. Айниқса, ҳужжатлар билан ишлайдиган шахслар, жумладан, кадрлар бўлимларининг бошлиқлари ўзбек тилида иш юритишлари зарур, деди Бош вазир ўринбосари.

У Атамалар комитетининг ишларида ҳам бирмунча жонланиш бўлаётганини, мазкур комитетнинг штатлари сони ва моддий жиҳатлари қайтадан кўриб чиқилганини, муайян атама ва сўзларнинг энг мақбулини танлаб олиш учун ҳар ойда Атамалар комитети тавсия қилган сўзларни Тил комиссияси йиғилишида қабул қилиш зарурлигини айтди. Ушбу комитет ҳар битта атаманинг афзал томонларини илмий жиҳатдан асослаб, уни тилимизга киритишни назорат қилсин, деди у.

Яқинда ташкил этилган Ўзбек тили жамиятига алоҳида эътибор бериш керак, токи бу жамиятнинг минглаб аъзолари, шунингдек, штатли ходимлари бўлсин, вилоятларда бўлимлари ташкил этилсин.

Жой номлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бунда ҳам талай камчиликлар кўзга ташланади. Қаерга бормайлик, тарихимиз, маданиятимизга алоқаси йўқ номларни учратамиз. Ортиқча гап-сўзларни йиғиштириб, бундай номлардан аллақачон воз кечишимиз керак. Қолаверса, сўнгги пайтларда янгича номлаш зарурати туфайли колхоз ёки мактабларга ўша жойда ишлаган раис ёки директорларнинг номларини қўйиш расм бўляпти. Бунда ҳам юксак талабчанлик даркор.

Алифбо масаласига тўхталадиган бўлсак, у, албатта, ўзгариши керак. Ҳозир бу борада уч хил қараш мавжуд. Бир гуруҳ кишилар араб алифбосини ёқласа, иккинчи гуруҳ лотин алифбосига ўтишни маъқул кўрмоқда. Учинчи тоифа кишилар эса ёзувимиз кириллицада қолсин, деган таклифни айтишяпти.

Ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўз тилига муносабати унинг ўзлигини, камолини, сиёсий ва ижтимоий онги даражасини, ватанпарварлигини кўрсатувчи асосий белгилардандир. Ўз тилини севмайдиган одамни ўз элини севади, деб айтиш қийин.

Мустақиллик ҳеч қачон тилдан айри бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Ўзбек тили, аввало, Ўзбекистоннинг ўзида эркин нафас олиши ва ривожланиши, қолаверса, она юртимиз билан бирга дунёга чиқиши, мустақил давлатимизнинг байроғи БМТда қандай хилпираса, тилимиз ҳам жумлаи жаҳонда шундай жаранглаши керак.

Мажлисда сўзга чиққан республика Тил комиссияси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Азим Ҳожиев атамашунослик сўзини терминология билан алмаштириш кераклигини, Қонун қабул қилингандан буён ўзимизда муқобил сўзлар бор-йўқлигини билган ҳолда тайёр русча сўзларни олаверишга чек қўйганимизни айтди.

Тил комиссияси топономия кичик гуруҳининг раиси, Тилшунослик институти директорининг ўринбосари Эрнст Бегматов жой номларини аташда уларнинг тарихий-илмий жиҳатларига эътибор бериш, бу номларни давлат томонидан ҳимоя қилиш кераклиги тўғрисида сўзлади.

Атамашунослик комитетининг раиси Одил Ёқубов атамашунослиқда чигалликларга, бошбошдоқликка йўл қўйилаётганлигини, кундалик матбуот нашрлари дуч келган атамани ўзича ишлатаётгани ҳақида гапириб, тил ҳақидаги Қонун бажарилишини назорат қилувчи ташкилот зарурлигини таъкидлади.

Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев мактабларда ўзбек тили ва адабиётига ажратилган дарс соатлари кўпайгани, янги дастур асосида 300 номда дарслик ва қўлланмалар нашриётга топширилганлиги, лекин қоғоз танқислиги сабабли «Ўқитувчи» нашриёти бу китобларнинг 30—40 фоизини чиқариш қувватига эгалигини, Халқ таълими вазирлиги мазкур дарсликларнинг ҳаммасини нашр этиш учун янги имкониятлар қидираётганини айтиб ўтди.

Фарғона шаҳри ва вилоятида Давлат тили ҳақидаги Қонун ва давлат дастурининг бажарилиши тўғрисида вилоят тил комиссияси раисининг ўринбосари Аҳат Мансуров, Самарқанд шаҳри ва вилоятида Давлат тили ҳақида Қонун ва давлат дастурининг бажарилиши тўғрисида вилоят тил комиссиясининг аъзоси Раҳматилла Қўнғуровларнинг ҳисоботи тингланди.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Давлат тили ҳақидаги 1989 йилдаги Қонуннинг баъзи моддаларига ўзгартиш киритиш, жумладан, Давлат тилига ўтиш учун белгиланган 8 йиллик муддатни қисқартириш кераклигини айтди.

Тил комиссиясининг аъзоси Озод Шарофиддинов Тил ҳақидаги Қонунга амал қилишда ҳар бир раҳбар масъул бўлиши, бу Қонунни ҳамма соҳаларда, почта ва телеграф, жамғарма банки ва нотариал идораларда изчил татбиқ этиш устида гапирди.

Ўзбек тили жамиятининг раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Йристой Қўчқортоев Қонунни амалга ошириш бўйича Адлия вазирлиги норматив-лар ишлаб чиқиши, қай ҳолларда қонун бузилишига йўл қўйилаётганлигини аниқлаш ва жазо чораларини кўриш тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Жамол Камол алифбо масаласига тўхталиб, зудлик билан лотин алифбосига ўтишни таклиф қилди.

Республика Тил комиссиясининг аъзоси Низомиддин Маҳмудов оммавий ахборот воситалари Тил ҳақидаги Қонунни амалга оширишда яхши иш олиб боришаётган бўлсада, уни бузиш ҳоллари ҳам юз бераётганлигини, ўзбек адабий тилига тўла риоя қилмаслик, атамаларни ҳар бир оммавий ахборот воситаси ўзича ишлатишда давом этаётганлигини айтди. Матбуот нашрлари вилоятларда ўзбек тили ҳақидаги Қонун қандай бажаритаётганлигини изчил ёритиб бориши, ойнаи жаҳонда «Чарҳпалак», «Омад» каби масковчадан нусхакашлик қилувчи кўрсатувлар ўрнига «Она тили жонкуярлари» деган кўрсатувларни ташкил этиш кераклигини, рус тилидаги кундалик матбуот нашрлари ҳам ўзбек тили ҳақидаги Қонунни бажаришга ўз ҳиссасини қўшишлари лозимлигини таъкидлади.

Тил комиссиясининг мажлисига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов якун ясаб, Ўзбекистон мустақиллик йўлига ўтган ҳозирги кунда тилимизнинг қадрини кўтариш энг долзарб вазифага айланганини алоҳида ўқтирди. Бундан ташқари, Бош вазир шаҳар дарвозаси бўлган вокзал, аэропорт, умуман шу тармоқлар раҳбар идоралари ҳам ўзбек тилига ўтишда сусткашлик қилаётганини айтиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

Абдумажид АЗИМ,
ЎзА мухбири.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ФЕРМЕРЛАР, ИЖАРАЧИЛАР, КИЧИК КОРХОНАЛАР ХОДИМЛАРИ ВА ТОМОРҚАЧИЛАР РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЖУМҲУРИЯТИМИЗ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Ўртоқлар! Жумҳуриятимиз мустақиллиги афзалликларини бугунги кенгашимиз руҳи кўрсатиб турибди. Фермерлар, ижарачилар, томорқа хўжалиги, кичик корхоналар, тадбиркорлар фаолияти республика Президенти иштирокидаги кенгашда муҳокама қилиниши бу масаланинг қанчалик муҳимлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда фермерлик ҳаракати жумҳуриятимизнинг барча вилоятлари ва районларига кенг ёйилмоқда, республикамиз ҳукумати бу ҳаракатга эътиборни кучайтиряпти. Фермерлар учун 200 минг гектар ер ажратилиши бу ғамхўрликнинг яна бир далилидир.

Биз, кенгаш қатнашчилари, вилоят, район, жамоа ва давлат хўжаликлари раҳбарларига мурожаат этамиз. Ота-боболаримиз эзозлаб келган ернинг умри бекор ўтмасин. Ҳар миришкор деҳқонларга берилсин, токи ундан унумли фойдаланишсин. Сабзавот, полиз, мева кўчатлари ва чорва учун озуқа экинлари уруғликлари билан фермерлар ўз вақтида таъминланишида ёрдам берингиз.

Фермер (деҳқон) хўжаликлари жамоа ва давлат хўжаликларининг ёрдамисиз оёққа тура олмайди. Шунинг учун улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши лозим.

Фермер ўртоқлар! Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш сизнинг билим ва маҳоратингизга боғлиқ. Ўз боқувингиздаги моллар наслини яхшилаб олингиз, гўштдор ва сersут молларни кўпайтирингиз. Бу соҳада илғор фермерлар тажрибаси кенг ёйилаверсин.

Меҳнат унумдорлиги тобора ошиб бориб, фермер хўжалигида ишлаётган ҳар бир киши ҳисобига кўпроқ маҳсулот етиштиришга эришайлик.

Фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича вилоят ва район комиссияларига мурожаат қилиб айтамизки, фермер бўлишни хоҳловчиларнинг аризаларини тезлик билан ўз вақтида кўриб чиқишга эришингиз.

Ижарачи ўртоқлар. Ижара бугунги кунда хўжалик юритишнинг синалган шакли бўлиб қолмоқда. Ижара ернинг унумдорлигини қайта тиклайди, ҳосилдорликни оширади, деб умид киламиз.

Шундай экан, сиз жамоа ва давлат хўжаликларининг кўрсатаётган ёрдамига таяниб, фидокорона меҳнат қилингиз, ишингиз унумли ва самарали бўлсин. Тузилган шартномаларни ўз вақтида бажаришга эришингиз.

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда сиз, шахсий томорқа эгаларининг хизмати катта. Чунки сиз полиз, узум, мева ялпи ҳосилининг 48 фоизини етиштирмоқдасизлар. Сўнгги йилларда ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли томорқалар кенгайди. Ҳ

КЎКЛАМ—МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

— Жумҳурият Президентининг чорвадорлар манфаати йўлидаги қатор Фармонлари кўпгина муаммоларимизнинг ечими бўлди, — дейди Фориш районидаги Киров номли давлат наслчилик хўжалиги 1-бўлими бошқарувчиси Холбўта Чимнейизов. — Шу боис район бўйича қоракўлчиликдаги муҳим мавсум — қўзилатиш муваффақиятли ўтмоқда.

НАСЛ ВА СИФАТНИ КЎЗЛАБ

Тажрибали чорвадор, чўпонларнинг яқин маслаҳатгўйи ва раҳбари ҳақ гапни айтди. Мустақил жумҳуриятимиз Президентининг чўпон-чўлиқлар ижтимоий аҳволини мустаҳкамлаш борасидаги Фармони ва айниқса, қўзилатиш мавсуми арафасида матбуотда эълон қилинган чорвачилик хўжаликларидаги иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишга қаратилган Фармон яйлов дарғалари учун айни муддао бўлди. Чунки шу даврга қадар жуннинг ҳар бир килограмми ҳам, қоракўл терининг ҳар бир донаси ҳам ўртача 20—30 сўм атрофида сотиларди. Қоракўлчиларнинг фикрича, энди улар фақат насл ва сифатни кўзлаб меҳнат қилишлари лозим.

Холбўта Чемпейизов бўлимида бу йил 7200 бош совлиқ қўзилайди. Давлатга жами 2772 дона тери, 13 ярим тонна жун сотиш режалаштирилган. Ҳар юз бош совлиқ ҳисобига кўзда тутилган юзтадан қўзи олинса ҳам 4400 дан зиёд қўзи ўстиришга қолдирилади. Бу дегани йил охирига бориб етти-саккизта янги отарлар пайдо бўлади. Улар учун эса 15—20 нафар чўпон керак. Бошқарувчининг айтишича, Президентнинг юқорида эслатилган Фармонларидан кейин чўпон бўлиш истагини билдираётган ёшлар кўпайяпти. Бу жуда муҳим.

Бўлимнинг илғор бош чўпони Бойсултон Сатенбоев отарида бўлганимизда бошқарувчининг гапига яна бир бор инондик. Унинг икки нафар ўғли, Зиёдулла ва Бекмуродлар яйловда мол боқиб, янги туғилган қўзичоқларни саралашда чўпонларга кўмак бериб юришарди. Улар келгусида ота касбини давом эттиришларини билдиришди.

Қўшни — Холмат Очилов отарида 773 совлиқнинг ярмидан кўпи болалабди. Эгиз қўзилаган моллар ҳам анчагина. Холмат ака ҳар юз бош совлиқ ҳисобига 102 тадан қўзи олишни кўзлабди. Ҳозирги ҳисобкитоб бу режанинг сўзсиз уддаланишидан дарак бериб турибди.

Бўлим фермаларида чўпон оилаларига янги уйлар қуриб берилаётган экан. Замонавий турар-жойларга кўчиб кирган оилаларнинг қувончи чексиз. Яқин кунларда яна икки оила ҳақиқий ҳовли тўйини ўтказишади. Зеро, жумҳурият Президентининг Фармонига кўра келгусида ана шу уйлар чўпонларнинг шахсий мулки бўлиб қолади.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Қўриқ Усмон Юсупов районида хўжаликларида баҳорги дала ишлари кун сайин авж олдирилмоқда. Маҳтумқули номли совхозда эртаки сабзавот уруғлари экилмоқда.

Райондаги 24-давлат хўжалигида ҳам пиёз экиш ниҳоясига етказилди. 13 гектар майдонга барака уруғи экилди. Бу йил хўжалик сабзавоткорлари 163 тонна пиёз етиштирмоқчи.

Хўжаликда ғалла майсаларини парвариш қилиш ҳам кучайтирилди.

Шунингдек, совхоздаги 372 гектар майдондаги бедазор ҳам озиқлантирилмоқда. Ҳар гектар майдонга 200 — 220 килограммдан минерал ўғит солинаётир. Парвариш ишлари «Миришкор» давлат хўжалигида ҳам уюшқоқлик билан амалга ошириляпти.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Қизилтепа районидаги «Бўстон» давлат хўжалигида ток қаламчалари ўтқазиш ҳамда узумзорларни кўпайтиришга киришилган. Айниқса, давлат хўжалигининг Низом Отамуродов бошлиқ бўлимида бу тадбир уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Ҳозиргача олти гектар янги боғ барпо этилди. Натижада ҳамма токзорлар 50 гектардан ошди. Рамазон Мансуров етакчилик қилаётган соҳибкорлар бригадаси боғбонлари эса нафақат янги ток қаламчалари ўтқазиш, балки ҳосилга кирган токларни очиш ва симбағазларга кўтариш ишларини ҳам қизғин олиб боришяпти.

НАВБАҲОР МЕВАЗОРЛАРИ

Навбаҳор районидаги Навоий номли жамоа хўжалиги соҳибкорлари қиоқа вақт ичида хўжаликда беш минг туп ўрик, олма, гилос, шафтоли, беҳи кўчатлари ўтқазишди. Жами боғ-чорвоқлар 55 гектарга етказилди. Айни пайтда соҳибкорлар кўчатларни парваришлаш, ҳосилга кирган мевазорларни озиқлантириб, суғоришни тезкорлик билан олиб боришяпти. Бу ишларда Шуҳрат Бозоров, Абдулла Ғойибов, Ибройим Мажидов, Салоҳиддин Асадов сингари миришкорлар ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Шунингдек, райондаги Ленин номли жамоа хўжалигида ҳам мевазорларни кенгайтиришга жиддий эътибор берилмоқда.

М. ШАРОПОВ,
Навоий вилояти.

НИЯТИМ—ДАСТУРХОННИ ТЎКИН ҚИЛИШ

Мана уч йил бўляптики, фермерман. Эл дастурхонини тўкин қилиш ниятида хўжаликдан юз минг сўм қарз олиб, бозордан 20 бош сигир ва 20 бош бузоқ сотиб олдим. Кейинчалик Россиядан 30 бош бўғоз ғунажин олиб келдим. Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, ўша мен мол сотиб олган пайтларда нархлар арзон эди.

Хўжалигимда асосан оилам аъзолари меҳнат қилишади. Турмуш ўртоғим Гулнора Набиева сигир соғади. Унга Комила Ҳусанова, Заргул Рустамова кўмаклашишади. Чўпонлардан Бозор Мирзақулов, Ёдгор Ҳайитовлар 70 бош сур тери берадиган совлиқларни меҳр билан парваришлайдилар. Ҳозир фермамда 30 бош соғин сигир, 22 бош бузоқ ҳам бор.

Хўжалик бизга ҳар томонлама ёрдам бериб турибди. Озуқа етиштириш учун 12 гектар еримиз бор. Айтгандай, хўжаликдан олган 100 минг сўм қарзимизни ўтган йилиёқ тўлаб бўлганмиз. Ўшанда 104 тонна сут, 14 тонна гўшт етиштиргандик. Айни пайтда барча чорва моллари билан биргаликда иккита трактор, битта КамАЗ машинаси фойдага қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотлари харид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини ошириш тўғрисидаги янги қарори эълон қилингани қувончли бўлди. Албатта, эндиликда жумҳуриятимиздаги қишлоқ меҳнаткашлари маҳсулот етиштиришни кўпайтирадилар. Пировардида бир жиҳатдан чорвадорларнинг даромади кўпайса, иккинчи жиҳатдан эл дастурхони тўкин-сочин бўлади.

Жўрақул ЖУМАЕВ,
Ульянов районидаги «Қашқадарё» давлат хўжалиги фермери.

УЛУҒ ШОИРНИНГ КАТТА МАЪРАКАСИ

Ажойиб сўз устаси, самимий шеърияти билан неча асрлардан бери дилларни ром этиб келаётган Бобораҳим Машраб Ўрта Осиёдагина эмас, Шарқ мамлакатларида ҳам маълум ва машҳурдир.

Ўзбек халқининг табаррук фарзанди Машраб таваллудининг 350 йиллигини кенг нишонлаш учун нималар қилинаётир?

Бобораҳим Машраб юбилейини ўтказиш ҳукумат комиссиясининг мажлиси ана шу масалага бағишланди. Унда республика маданият ва алоқа вазирликлари, давлат матбуот комитети, ижодий уюшмалар, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Навоий номли Адабиёт илмгоҳи, Шарқшунослик илмгоҳи, қўлёзмалар илмгоҳининг раҳбарлари, Тошкент шаҳар ва Наманган вилоятининг вакиллари қатнашдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров олиб борди.

Республикамизда, хусусан Тошкентда ва Машраб туғилган Наманган шаҳрида катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётганлиги мажлисда алоҳида таъкидланди. Машрабга бағишланган тантаналар мустақиллигимизнинг яна бир кўриги бўлади. Пойтахтимизнинг Сирғали районидаги 101-кутубхонага, Октябрь районида қурилаётган янги мактабларнинг бирига Бобораҳим Машраб номи берилади. «Комсомол 60 йиллиги» кинотеатри энди Машраб номи билан аталади. Шунингдек метрополитеннинг бунёд этилаётган Юнусобод йўлидаги бекатларининг бирига ҳам шоир номи қўйилади.

Наманганда шоир номи билан аталувчи истироҳат боғи бунёд этилди. Бу ерда унинг ҳайкали ўрнатилади. Бобораҳим Машраб музейи очилади.

Мажлисда сўзга чиққан вазирликлар, ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари, адабиёт, шарқшунослик, қўлёзмалар илмгоҳларининг вакиллари шоир туғилган куннинг кенг кўламда нишонланиши олдидан қилинаётган ишлар ҳақида ахборот беришди.

Театрларда Бобораҳим Машрабга бағишланган асарлар кўрсатилади. Ҳозирнинг ўзида ҳужжатли фильм тайёрлаб қўйилди.

Мажлисда ана шу катта маърака муносабати билан бошланган ишларни янада жадаллаштириш зарурлиги айтилди.

Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги тантаналарига Туркия ва Шинжондан, Афғонистондан, қўшни мустақил давлатлар — Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистондан, шунингдек Озарбайжондан меҳмонлар таклиф этилади.

22 май куни Тошкентда Бобораҳим Машраб ижодига бағишланган илмий анжуман ўтказилади, кечқурун эса Навоий номли театрда тантаналли кеча бўлади. Тантаналар 23 май куни Наманганда давом эттирилади.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Олий Кенгаш комитетлари раислари ва Олий Кенгаш котибияти бўлимлари ходимлари, республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, олимлар иштирок этдилар.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ташкилотларига кириши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо этиб қабул қилинганлиги муносабати билан унинг халқаро молия ташкилотларига ва валюта фондига аъзо бўлиши кўзда тутилаётганлиги, шу йилнинг 10 апрелида Вашингтонда Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволи тўғрисидаги масала юзасидан йиғилиш ўтказиш мўлжалланаётганлиги мажлисда маълум қилинди. Депутатлар қонунларнинг лойиҳалари юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини айтиб, уларни асосан маъқуллашдилар. Лойиҳалар қараб чиқиш учун Олий Кенгаш Раёсати муҳокамасига, сўнгра эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритишга тавсия этилди.

Мажлисда комитет фаолиятига оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Ш. С. Зиёмов қатнашди.

(ЎзА).

Жамият, инсон ва қонун

КЎПДАН ҚУЁН ҚОЧИБ ҚУТУЛМАС

● Пешку райони Бухоро вилоятининг йирик кўп миллатли районларидан биридир. Бу ерда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, товар бойликларни ташқарига олиб чиқиб кетишга қарши кураш, умуман, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жамоатчи мухбиримиз Р. Аслонов Пешку райони прокуратураси терговчиси, биринчи даражали ҳуқуқшунос Р. МАЖИДОВ билан суҳбатлашди.

— Ҳозирги иқтисодий танглик вақтида жиноятчиликнинг «болаламаслиги» учун районда қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Ҳақиқатан ҳам ҳозирги нарх-наво ошган, иқтисодий тақчиллик ҳукмронлик қилаётган бир пайтда текин пул топиш йўлига кираётганлар сони тобора ортиб боряпти. Озиқ-овқат ва саноат моллари камёблиги ҳам чайқовчи ва олибсотарларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Бундан ташқари мутлақо миллий урф-одатларимизга тўғри келмайдиган қабоҳат, зўравонлик, фоҳишабозликни тарғиб қилувчи видеофильмлар халқимизнинг ҳаётига соя ташламоқда. Шундай сабаблар орқали ўтган йили районимизда 150 та жиноят қайд этилди. Аслида ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди, балки уни тарбия лаган муҳит, ижтимоий ҳолат сабаб бўлади. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар нинг ходимлари қанчалик ва нечоғлик қурашмасинлар, барибир, жиноятчиликни таг-томири билан йўқотиш лари керак. Бунга биз кенг жамоатчиликни жалб этмоғимиз лозим. Шу нуқтаи назардан биз одамлар билан, маҳалла қўмиталари

билан иш олиб, боряпмиз. Кўпдан қуён қочиб қутулмайди. Бу ўз самарасини беряпти. Районда жиноятчиликнинг илдизи шу тариқа қирқиляпти.

— Ўзбекистон Президенти «Пахта иши» билан жиноий жавобгарликка тортилган кишиларни авф этди. Пешку ноҳиясидан ҳам анчагина киши қўшиб ёзишда айбланиб, бадном этилган эди. Ҳозир уларнинг тақдири қандай кечяпти?

— Собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда шундай шароит яратдики, гўё диёримизда ҳамма порахўр, жиноятчи, ўғри, мутаҳам деган хулосага келинди. Ўзбекистоннинг кадр лар тақдири аллақандай «келгиндилар» қўлига топширилди. Ўша пайтда қамоққа олинган кишилар айбдорми, айбдор эмасми, бунинг улар учун аҳамияти йўқ эди. Уларнинг мақсади — республикани бадном этиш, халққа зулм ўтказиш эди. Очиғи, ўша пайтда халқни ўйлайдиган, бегуноҳлар учун қайғурадиган бирорта мард топилмади. Минг-минглаб оддий деҳқонлар қўшиб ёзишда, порахўрликда айбланиб, партия сафидан ўчирилди, ишдан олинди, қамалди...

Бу борада вилоятлар ичида Бухоро энг кўп жабр кўрди. Биргина ноҳиямизнинг ўзида «пахта иши» билан қамалган 20 дан ортиқ киши ҳозир оқланиб, ўз лавозимларига тикланди.

Ўйлайманки, бундай кишиларнинг тажрибаси республика пахтачилигини ривожлантиришда ҳали кўп керак бўлади.

— Рашид ака, биламан терговчилик мураккаб иш. Шу соҳани танлаганингиздан пушаймон эмасмисиз?

— Асло. Ҳуқуқшунослик бу менга ота касби, падари бузрукворимиз Теша Мажидов 36 йил адлия соҳасида ишлаган. Ҳозир қарилик гаштини суряптилар. У киши кўплаб шогирдлар тарбиялаб етиштирган. Биз у кишидан катта сабоқ олганмиз. Бу ишимизда асқотмоқда.

СУРАТДА: терговчи Р. МАЖИДОВ суриштирувчи И. НИЕЗОВГА навбатдаги топшириқни бермоқда.

Н. САИДОВ олган сурат.

ХОТИРА

ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

Ўлганлар руҳини шод этиб, эслаб, қабрига гул қўйиш тирикларнинг бурчи, инсоний қарзидир. Шу сабабдан бўлса керак қабристонлар Хотира куни одамлар билан гавжум бўлади. Ҳаётдан кўз юмган марҳумларни қариндош-уруғлари ва дўстлари қабристонга келиб уларни хотирлаб, марҳумлар руҳини шод айлайдилар.

Тошкент шаҳар ҳокимияти Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ҳам бундай хайрли ишдан бебаҳра қолмади. Хизмат пайтида ҳалок бўлган касбдош дўстларининг хотирасини ёд этиб, эслаб, қабрларига гул қўйдилар. Хонадонларига бориб, оила аъзоларидан кўнгил сўрадилар. Ҳозирги иқтисодий танг аҳвол вужудга келган бир вазиятда марҳум дўстларимизнинг етим. қолган фарзандларига оз бўлсада ёрдам бўлсин дея ҳалок бўлган 51 нафар ички ишлар ходимининг оиласига 100 минг сўмлик инсонийлик ёрдами кўрсатилди. Бу оилаларни 10 таси бутунлай етим қолган, 21 оиланинг боқувчиси ўз хизматини ўтаётганда ҳалок бўлган. Хизмат чоғида вафот этган ходимларнинг оилавий аҳволини, етим қолган фарзандларини ҳисобга олган ҳолда тақсимланган бу инсонийлик ёрдамидан 31 оилага 2000 сўмдан қолган 20 оилага эса 1500 сўм миқдорида иқтисодий ёрдам кўрсатилди.

Хайри-эҳсон сифатида тарқатилган бу пулнинг умумий миқдори 92 минг сўмни ташкил этди. Қолган 8 минги эса шаҳар Ички ишлар бошқармасига қарашли махсус меҳр-шафқат жамғармасига топширилди. Бу пуллар ҳам хайрли ишларга ишлатилади. Мазкур хайрия ёрдамини тақсимлашда махсус комиссиядан иборат ходимлар ва 11 та автомашина хизматда бўлди.

Ҳа, марҳум дўстларимизнинг хотирасини қанча эъзоз этсак ҳам оз.

Шовқиддин САМИЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ АХБОРОТ- ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ



ОМАД ИШБИЛАРМОНГА КУЛИБ БОҚАДИ



Фарғона маҳсулот хом ашё деҳқончилик саноати акционерлик жамияти биржаси республикамизда ташкил этилган дастлабкилардан бири. Аммо унинг номи энди тилга тушмоқда. Ўзининг дастлабки дадил ҳаракати билан ишбилармонлик қобилиятини яққол намоён этиб боряпти. Биржанинг кўпчилик брокерлари, ишбилармон мутахассислари билан суҳбатлашиб қолсангиз, акционерлик жамиятининг истиқболини улар кўпроқ Адҳамжон Шукуровга боғлашади. Боисини ҳам яшириб ўтиришмайди. Аввалига биржани ташкил этишдаги айрим камчиликлар, раҳбарларнинг қўпимсизлиги ишга панд берди. Яъни ишбилармонларнинг фаолиятига тушов бўлди. Сергайрат, ёш, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб, катта тажриба ва бой маҳорат орттирган Аҳмаджон Шукуров акционерлик жамиятига ижроия директори бўлиб сайлангач бу ердаги аҳвол тубдан ўзгарди. Дастлабки ютуқлар кўзга ташлана бошлади. Бошқа биржалар билан яқин алоқалар йўлга қўйилди. Ҳамкорликда ҳикмат кўп экан. Бу айниқса Фарғонадаги «Камолот» биржаси билан ҳамкорликда ўтказилган савдода яққол намоён бўлди. Ўша кун кўпчилик учун чинакам байрамга айланиб кетди. Эрталабданоқ Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят мусиқали драма театри биноси биржа ишбилармонлари, фарғоналиклар билан гавжум бўлди.

Биржа савдосига 350 хил маҳсулот, жами 300 миллион сўмликдан ортиқ хом ашё ва тайёр маҳсулотлар қўйилди. Уларнинг орасида пахта толаси, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тортиб, қурилиш материалларию озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар бор.

— Биржамиз ўз олдига аниқ мақсадни қўйган, — дейди акционерлик жамиятининг ижроия директори Адҳамжон Шукуров. — қишлоқ аҳолисига ҳозир анча қийин. Улар ҳаттоки, йил бўйи пешона тер эвазига етиштирган маҳсулотларини кўнгилдаги нархда сотишолмаяпти. Бу борада деҳқонларга ёрдам берамиз. Уларнинг оғирини осон қилиб, мушкулларини енгиллаштирамиз.

Ҳақиқатан ҳам бозор иқтисоднёти асосий юкни деҳқонлар, қишлоқ меҳнаткашлари зиммасига юкламоқда. Ажаб эмас, деҳқончилик саноати биржалари содда деҳқонлар қонига яраб, улар турмушини фаровон, ҳаётини лаззатлироқ ўтказишга мадад берса.

Биржа савдосида брокер Ҳасанбой Шукуровнинг омади кулиб боқди. Унинг улгуржи савдоси 50 миллион сўмликдан ортиб кетди. Шу сабабли ҳам биринчи савдода юксак муваффақиятга эришганлиги учун унинг эгнига банорас тўн, бошига дўппи кийдирилиб, белига белбоғ боғланди.

Биржа савдосида Фарғона вилоятидан ташқари Москва, Бишкек, Ульяновск, Ўш ва Тожикистоннинг қатор вилоятларидан ҳам брокерлар қатнашишди.

А. ХУДОЙНАЗАРОВ.

* * *

СУРАТДА: биржа савдоси жараёнидан лавҳалар.

Л. КИМ олган суратлар.

МЮНХЕНДАН ОЛИНГАН ЛУҒАТ

Алишер Навоий асарлари ичида жаҳон қўлёзма хазиналарида энг кўп тарқалган «Абушқа» луғатидир. Илгари бу асарнинг Вена ва Теҳрон нусхаларидан кўчирма олинган эди. Энди унинг Мюнхен шаҳар кутубхонаси қўлёзмалар бўлимидан нусхасидан ҳам нусха олишга муваффақ бўлдик. Луғатнинг бу нусхасини бизга «Озодлик» радиосининг мухбири, ватандошимиз Темир Хўжа «Вашингтон пост» рўзномаси мухбири Жим Руперт орқали юборди. Асар яхши сақланган, тўлиқ 190 бетдан иборат. Ёзуви йирик настаълиқ. Энг муҳими, унинг китобат қилинган йили ва котиби аниқ: таммат би авниллаҳи ва ҳусни тавфиқиҳи ала йади ал фақир Мустафо ибн Муҳаммад Абдулло валади ал Мадиҳ фи авасти шаҳри ал жумодул — аввал баъд аз зуҳур саната ситтина ва тисъамийа мин ҳижрати набавийа.

Таржимаси: Бу луғат Оллоҳнинг ёрдами ва энг яхши мувофиқлиги билан фақир Мустафо ибн Муҳаммад ибн Абдулло валади ал Мадиҳнинг қўли билан жумодул аввал ойининг ўртасида пешиндан кейин ҳижрати набавийнинг 960 йилида тамомланди.

Тарихдан кўринишича, бу луғат 1553 йил 29 апрель куни пешиндан сўнг ёзиб тугалланган экан.

Бу луғат ҳам «Бадойи — ул луғат», «Луғати Навоий», «Санглоҳ», «Китоби луғати атрокийа» каби катта аҳамиятга эга. Чунки Ўрта аср луғатчилик анъанаси асосида тузилган бу луғатларда ўзбек сўзларининг товуш тузилиши ҳарфма-ҳарф кўрсатиб берилган. Жами бу луғатларда йигирма мингдан ортиқ ўзбек сўзларининг орфоэпия, орфографияси ва маънолари ҳақида ноёб маълумотлар сақланган. Улар ўзбек тилининг XV асрдан то XIX асргача ривожланиб, ўзгариб келганлигини кўрсатувчи илмий кўзгу. Тилимиз тараққиётидаги ўзгаришларни бу луғатларсиз ўрганиб бўлмайди. Уларда қимматли маълумотлар сақланиб қолган. Жумладан қуйидагиларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, эски ўзбек луғатлари Алишер Навоий тилида тўққизта унли бўлиб, улар бир-бирларидан узун-қисқалик ва тор-кенглик бўйича фарқланганлигини кўрсатади. Луғатчилар а унлисини узун-қисқалик, и, э ва у, ў унлиларини тор-кенглик бўйича тасниф қилганлар. Луғатлар ўзбек тилида тил олди ва тил орқали унлилари бўлмаганлигини кўрсатди. Луғат тузувчиларнинг кўрсатишига қараганда, ўзбек тили учун юмшоқлик ва қаттиқлик ҳам хос эмас. Бу маълумотлар бизни Оврупо олимлари тарафидан киритилган сунъий таснифдан воз кечиб, ота-боболаримиз таснифидан фойдаланишимиз кераклигини кўрсатади.

Иккинчидан, эски ўзбек луғат тузувчилари ўзбек тилининг турли жойларида унлилар сони турлича бўлганлигини кўрсатганлар. Демак, эски ўзбек тилидаги ҳамма ёдгорликларни бугунгидек бир хил — тўққиз унли билан таснифлаш нотўғри экан. Дарвоқе, буни ҳозирги ўзбек шевалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир ҳам ўзбек тилининг турли шеваларида унлилар сони турлича.

Учинчидан, эски ўзбек луғатлари Алишер Навоий асарларида Қашқа ва Сурхон воҳаларида яшовчи 92 бовли ўзбек уруғларининг номи ва улар тилидаги кўпдан-кўп сўз ва иборалари акс этганлигини кўрсатади. Бу эса шоирнинг Ҳиротдан Самарқандга ана шу воҳалардан ўтадиган карвон йўлидан юрганлигини кўрсатадиган ҳужжат сифатида катта аҳамиятга эга.

Э. УМАРОВ.

Тошкентлик Тўхтахон ва Баҳром қори Юнусовлар пиру бадавлат умр кечиришмоқда. Улар яқинда ўзларининг турмуш қуришганлигининг 50 йиллигини муносиб нишонлашди. «Олтин тўй» деб аталувчи онлавий тантана зўр шодиёнага айланди. Бу бахтиёр онлада икки қиз, беш ўғил камол топди. Ҳозир 30 дан зиёд набира, эвара ва чеваралар кексалар атрофида парвона.

СУРАТДА: табаррук онахон ва отахон онла даврасида.

Суратқаш: Р. ШАГАЕВ.

МУШТАРИЙ:

...ХАБАР ҚИЛАДИ

БЎЛАЖАК МАТБААЧИЛАР

● Қўнома ва рўзномаларда чоп этилаётган турли мақола, шеър, бадиий асарларни ўқиб бораётган кишилар журналистлар, ижодкорлар ҳамда жамоатчи мухбирлар кўмагидан ташқари яна бир соҳа эгалари — матбаачилар хизматини яхши билавермайдилар. Усмон Носир номидаги матбаа техникумида ана шундай касб эгалари тайёрланади.

Билим даргоҳи ўқитувчилари 480 нафардан ортиқ йигит-қизга матбаачилик касби сир-асрорларини меҳр билан ўргатмоқдалар. Шу билан бирга ҳар ўқув йилда 40 нафар хорижлик талаба ҳам касб ва билим ўрганмоқда.

А. ПАРДАЕВ,

...ЁРДАМ СУРАЙДИ

ЭЪТИБОР БЕРИЛСА

● Ўрта Осиё темир йўллар бошқармасининг Қарши бўлими ташкил этилиши муносабати билан Қарши станциясидаги темир йўлчилар поликлиникаси ходимларининг, шу атрофда истиқомат қилувчи аҳолининг ҳузур-ҳаловати бузилди. Негаки, 20-йилларда ташкил топган касалхона мослашмаган иморатда жойлашган. Янги касалхона қурилиши эса 1989 йили бошланди-ю, аммо унинг фойдаланишга топширилишидан дарак йўқ.

Республикамизда халқ соғлиғи учун ғамхўрлик кўрсатилаётган ҳозирги пайтда иморатимизни темир йўлнинг Қарши бўлими учун олиб қўйишмоқчи.

Халқ соғлиғини сақлаш ишига эътибор берилишини сўраймиз.

А. БАБИЧ,

Мактубга поликлиниканинг 43 нафар ходими имзо чекишган.

* * *

Шунингдек, муҳарририятимизга Б. Холмирзаева, С. Солиев, А. Бекжонов, З. Мирзаҳимова, Э. Саттаров, А. Баҳрамов, А. Иброҳимов, А. Ажабов, М. Мелиқулов, Т. Жумақулов, Б. Пейсенова, Ҳ. Ўтанов, У. Каримов, Р. Усмонова, Х. Мирзаева, Т. Умаров, Ю. Эргашев, А. Нишонов, О. Сотволдиев, Н. Маткаримов, А. Машарипов, У. Зайнуллаев, В. Бобохонов, Н. Иброҳимов ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллаганлар.

Халқаро «Наврўз—92» театр фестивали давом этмоқда

УРНИ БОШҚА ЎН КУН

ҚОЗОҒИСТОН ТЕАТР АРБОБЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ, РЕЖИССЕР ОЗАРБАЙЖОН МАМБЕТОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

● Бугунги Козоғистон саҳна санъатининг ютуқлари кўп жиҳатдан унинг номи билан боғлиқ. Саҳналаштирган спектакллари миллий театр санъатининг репертуарларини безаб турибди. Республика Театр арбоблари уюшмасига президент қилиб сайлангач, катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда. Айтиш мумкинки, қозоқ театр маданиятида жиддий ўзгаришлар юз беряпти.

Ҳа, Озарбайжон Мамбетов саҳна санъати фидойиси, жонкуяри. У Наврўз фестивалининг изланишларига ҳам катта ҳисса қўшаётир.

Биз режиссёрни Ҳамза театрида, Наби Раҳимовнинг гримхонасида учратдик.

— Отахон бир пиёла чойга таклиф қилибди-да, оға?

— Йўқ, мен бу ерда ишлаб ўтирибман, — деди Озарбайжон Мамбетов. — Ажабланманг, Наби аканинг хонаси меники, менинг хонам устозники. У киши бизга гастроль билан борса, кабинетимни бериб қўяман.

— Яхши. Бўлмасам, суҳбатни Наби ака ҳақидаги фикрингиз билан бошласак?

— Жоним билан. Мен ўзбек театри деганда Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Обид Жалилов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Сора Эшонтўраевалар қаторида Наби Раҳимовни ҳам тушунаман. У асл инсон, чинакам фидойи санъаткор. Қаранг, саксон ёшда ҳам тўлиб-тошиб, қайнаб-жўшиб ижод қиляпти. Фестиваль очилишидаги пурмаъно дил сўзини эшитдингиз. Танлов спектакларини қолдирмай кўряпти. Таассуроти, фикри билан албатта ўртоқлашади. Анжуманимизга Наби Раҳимовдай донишманд, ижрочиликда мактаб яратган санъаткорнинг файз киритиб турганидан фахрланмай бўладими?!

— Раҳмат, қозоқ ва ўзбек театрчилари ижодий алоқаларининг тамал тошини ҳам мана шу устоз актёр авлоди қўйган.

— Тўғри. Фақат ҳамма гап уни муносиб давом эттиришда.

— Бу борада «Алишер Навоий» ва «Абай» спектакли катта воқеа бўлган эди-а?

— «Абай»нинг баҳосини сизлар берасизлар. Лекин бизнинг театрда талантли режиссёр Асқар Тоқпанов саҳналаштирган «Алишер Навоий» драмаси чинакам воқеа бўлган эди. Тўғришбой Жаманқулов ижросидаги Алишер Навоий ҳар бир қозоқ томошабинига севимли бўлиб қолганлиги факт. Спектаклни саҳнага чиқариш жараёнида ҳамиша барҳаёт Ҳазрат театримиз жамоасини синовдан ўтказиб тарбиялади, десам муболаға қилмаган бўламан.

— «Абай»ни бизнинг Ҳамза театрида саҳналаштириб бергансиз. Асар яхши чиққанлиги учун ҳам халқимиз сизни таниб, севиб қолган. Мамбетовнинг спектакли кўрсатиларкан, деб томошабинлар бугун Ҳамза театрига оқиб келишининг боиси ҳам шундан. Айтингчи, «Абай»ни саҳнага чиқаришда қийналмаганмисиз?

— Биласизми, қийналишсиз яхши асар яратиб бўлмайди. «Абай»ни ишлаш жараёнидаги актёр-актрисалар фаоллиги, профессионал етуклик мана шундай одатий қийинчиликлар кам бўлишига ёрдам берган. Мен бу ўринда бош роль ижрочиси, яқинда юксак эътирофга сазовор бўлган суюкли дўстим, моҳир актёр Ёқуб Аҳмедовнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтаман. У Абай образини мен кутгандай дилбар ва ғоятда жозибали талқин қилган. Ёқубжон шу роли билан фақат менгагина эмас, балки, бутун қозоқ халқига севимли, иззатли бўлиб қолди. Умуман, ҳамзачилар билан ишлаш завқли.

— Кейинги йиллардаги ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорлик тўғрисида нима дейсиз?

— Бизга айниқса Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва унинг ижоди қадрдон бўлиб қолди. Унинг қаламига мансуб машҳур «Келинлар қўзғолони», «Куёв» комедиялари бизда олдинма-кейин саҳналаштирилди. Халқимиз бу завқли, дилкаш асарларни қувонч билан кутиб олди. Спектакллар репертуардан тушгани йўқ. Яқинда Чимкент театри Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг «Ўғрини қароқчи урди» пьесасини саҳнага қўйди. Бу асар ҳам томошабинларга маъқул бўляпти. Ҳамза театри эса, таниқли қозоқ адибасининг драмасини ўз мухлисларига ҳавола этди.

Ана шу спектакллар биринчи навбатда изчил ижодий алоқа ва ҳамкорликнинг меваси, самарасидир. Бугун Саид Аҳмад оғамиз менга ўзининг янги китобини совға қилди. Ўқиб кўрайчи, балки, келгусида учинчи асар туғилиб қолар...

— Ҳозир, фестиваль қизғин давом этаётган кунларда ижодий ҳамкорлик тўғрисида гаплашиб олишга вақт бўляптими?

— Албатта. Масалан, Вильям Шекспирнинг «Кориолан», Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» асарларини биз ҳам, ҳамзачилар ҳам саҳналаштирган. Томошабинларни ўйлаб, ана шу спектакларни биз, қозоғистонликлар Тошкентда, ўзбекистонлик дўстларимиз Олмаотада кўрсатишга имконият яратадиган гастроль тўғрисида фикрлашиб оляпмиз. Таниқли, ёш ўзбек драматургларидан янги муаллифлар топишга ҳаракат қиляпмиз. «Алишер Навоий», «Абай» спектаклларини тажрибаларини янги асарлар мисолида давом эттириш ўйи ҳам йўқ эмас.

— Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек драма театрининг Наврўз анжумани дастурига тавсия этган «Искандар» драмасини кўрдингизми?

Йўлдошев қандай режиссёр эканлигини Наврўз фестивалининг биринчисида кўрсатиб қўйган эди. Ўртадошларим — олмаоталик санъат мухлислари ўшанда Бош мукофот билан тақдирланган «Майсаранинг иши» комедиясини ҳали-ҳануз эслаб юришади.

— Фестивалнинг бошқа спектакллари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Бишкеклик ҳамкасбим Бобобек Ибраев, унинг театри тарихий қиррали насларининг афсонавий ҳаёти ҳақида «Буюк қалб Манас» деган ғоятда мазмунли асар саҳналаштиришибди. Туркманистонлик дўстларимнинг «Далли думбул» спектакли ҳам оригинал талқинлари, режиссёр топилмалари билан диққатга сазовор. Гургут Ота тўғрисидаги қадимги гагауз эпосидан ҳикоя қилувчи бу спектаклни катта қизиқиш билан томоша қилдим. Тожикистонлик моҳир актёр ва режиссёр Ато Муҳаммаджонов раҳбарлигида ишланган «Чолнинг эртаклари» спектаклини кўриб, ўзига хос маънавият драмаси майдонга келганига шоҳид бўлдим. Анъанавий анжуманнинг Бишкек кўригида ғолиб бўлган Фарғона театри «Тошкентга саёҳат» деган илҳомбахш спектакль билан қатнашяпти. Ҳамза асарлари асосида иқтидорли режиссёр Олимжон Салимов саҳнага қўйган бу комедия томошабинни лоқайд қолдирмайди.

Мен Тошкент кўригининг репертуари аввалги ижодий мусобақалар дастуридан анча кучли, ранг-баранг эканлигини таъкидлаб ўтишни хоҳлайман.

— «Асрга татигулик кун» спектаклингиз пайтида Ҳамза театри зали томошабинлар билан лиқ тўлди. Чингиз Айтматовга муносиб, режиссёр топилмаларига бой асар саҳналаштирибсиз. Тўртинчи фестивалда ғолиб чиқишингизга тилакдошмиз. Ўзингиз нима дейсиз?

— Нима дердим, сизларга маъқул бўлса, хурсандман. Таниқли санъатшунослар ва маданият арбобларидан тузилган ҳайъатга давримизнинг машҳур режиссёри Темур Чхеидзе раҳбарлик қиляпти. Драма уларга ҳам маъқул бўлган бўлса, қанийди. Ҳар ҳолда Тошкентдан умидимиз катта. Ҳеч бўлмаганда тўртинчи беллашувда бизни олқишлаб юборар... Тўғри тушунинг, бу менинг, қолаверса заҳматкаш ижодий жамоамизнинг орзунияти. Деярли уч марта ғолиб чиққан ўзбекистонлик ҳамкасбларимизга ҳавасимиз...

— Охирги савол. Ўн кун давом этадиган Наврўз фестивалининг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Шундай мураккаб, ҳар қадамда ўзгаришлар бўлиб турган алғов-далғовли даврда фаоллик билан ўз ишини давом эттираётган, одамларга далда бераётган, таскин улашаётган, уларни бир-бирларига яқинлаштираётган, миллий бадиий маданиятларни жонкуярлик билан тарғиб қилаётган, тарих ва тақдирларнинг ўзига хос кўзгуси сифатида эътироф этилаётган анжуманнинг хизмати бебаҳодир. Қадриятлар, маънавий маданият учун курашаётган Халқаро фестивалнинг келгусидаги изланишлари янада пойдор бўлсин, дейман!

Суҳбатдош Юсуф БЕРДИЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ЙИЛИГА 10 МИЛЛИОН СЎМ СОФ ДАРОМАД

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини зарарли микроблардан тозалаш ва сақлаш технологияси

«Ноу—Хау» фирмасининг бу технологияси қўлланилса, Сиз етиштирган ёки сотиб олган исталган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экологик озода ва 6—10 ой мобайнида дуркин ҳолида яхши сақланади. Маҳсулотлар таркибидаги нитритлар, нитратлар, пестицидлар, гербицидлар ва бошқа зарарли бирикмалар йўқолади.

Агарда Сиз маҳсулотларни яхши сақлаб ва ўринли сотсангиз маҳсулотнинг бир килограмми таннархи 1 сўм бўлса, демак, Сиз асл 1 сўмни тежаб қолган бўласиз. Бордию 100 тонна ёки 1000 тонна бўлса-чи?

Шундай қилиб Сиз қанча маҳсулот етиштирдингиз ёки сотиб олдингизда ва уларни қойил қилиб сотишингиз бизнинг технологиямизни қанчалик қўллашингизга боғлиқ. Шунда Сиз йилига 10 миллион сўм соф даромад кўрасиз.

Янгиликни татбиқ этиш сарф-харажатлари Сиз технологик жараённи яратишда қандай материаллар ишлатишингизга боғлиқ.

Ҳужжатлар баҳоси 350 минг сўм+28 фоиз солиқ.

Технологияни сотиб олиш учун буюртмалар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Ҳисоб счётига пул ўтказилгач ҳужжатлар 10 кун мобайнида юборилади.

Технологияни сотиш юзасидан шартномалар ҳам тузилиши мумкин.

Бизнинг манзилгоҳ ва банк реквизитлари:

746134, Туркманистон Республикаси, Чоржўй вилояти, Сакар посёлкаси, Сакар тижорат ассоциациясининг нон заводи, Чоржўй акционерлик—коммерция агропром банкининг Сакар бўлимидаги ҳисоб счёти 60601, МФО 390801415.

Телефонлар: 5-42-38, 5-46-22.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВАЗИРЛИГИ «ЎЗАВТОРЕМОНТ»

ишлаб чиқариш бирлашмаси

И. В. Стрельцов номидаги Автомобиль

ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ

ЗИЛ—130, ГАЗ—53, ГАЗ—51 ва «ЖИГУЛИ» автомобилларининг двигателларини таъмирлаш ишларини бажаради;

«Оқ Ленгорн» зотли жўжаларни нақд пулга, чек-ланмаган миқдорда сотади;

Ғовакли ғиштларни нақд пулга сотади;

Халқ истеъмоли молларини ҳамда аҳолига сув иситгич (титан) қозонларини тайёрлаш учун буюртмалар қабул қилади.

Манзилгоҳимиз: 700005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй, 1-Автомобиль созлаш заводи.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМГОҲИ

1992 йилга

қуйидаги ихтисослар бўйича аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тупроқшунослик, агрокимё (кундузги, сиртқи); докторантурага («Тупроқшунослик» ихтисоси бўйича).

Шахсий ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700179, Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 3-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 46-09-50, 46-07-23.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўсимликлар экспериментал биологияси институти жамоаси институтнинг катта илмий ходими, ғўзавильт касалликлари координацияси кенгашининг котиби, биология фанлари номзоди

Тўхтабой АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзқишлоқлойиҳа» республика давлат қишлоқ хўжалик иншоотларини лойиҳалаш жамоаси илмгоҳ меъморлик-қурилиш бўлимининг бош мутахассиси

Тўлқин Воҳидович ВОҲИДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг раҳбарияти, чет эллик талабалар билан ишлаш қуллиёти куллиёт деканининг муовини, доцент Х. Қамбаровга отаси

Умар ҚАМБАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

ЖУМА, 3

● УзТВ I

8.00 «Ўзбекистон», 8.25 «Гўзаллик оламига сайёҳат». 9.25 «Қувноқлар даврасида». 9.50 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм, 2-серия. 10.55 «Ёшлик».

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 «Табиат шайдолари. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Ёднома». 19.40 «Насаф» хизматингизда. 19.55 Ю. Ражабий номидаги маком жамоасининг яккахони Маҳмуджон Йўлдошев куйлайди. 20.30 «Ўзбекистон» 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Маърифатнома». 21.40 «Наврўз-92» театрлар фестивали. 22.10 «Маҳаллада дув-дув гап» Бадиий фильм.

● УзТВ II

17.05 Муаллимлар клуби. 18.05 «Иқтисодиёт ва ҳаёт». 18.40 «Шекиллер». 19.25 Дутор оҳанглари. 19.35 «Чори Аширов». 20.00 Янгиликлар. 20.10 «Кичкинтойлар, сизлар учун». 20.25 Эълонлар. 20.30 Туркман тилини ўрганамиз. 21.00 «Ватан». 22.00 «Гулки пурсади». 22.30 «Ўғил». Бадиий фильм. 23.55 Янгиликлар.

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.30 «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». Бадиий фильм, 4-серия. 8.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 9.10 «Кинопанорама». 10.25 А. Пушкиннинг «Бўрон» повестига ёзилган мусиқий иллюстрация. 11.00 Янгиликлар. 11.25 «Саёҳатчилар клуби». 12.20 «Ўз-ўзингга мадад бер». 13.15 «Ён дафтар». 13.20 «Бридж». 13.45 «Бизнес-класс». 14.00 Янгиликлар. 14.25 Ф. Шопен этюдлари. 14.50 «Булутли уч кун». Бадиий фильм. 16.00 МДҲ телевидениеси болалар уюшмаси таништиради. 17.00 Янгиликлар. 17.25 «Ҳукумат: хайрихоҳ ва қарши». 17.55 «Леннеберглик Эмил». Бадиий фильм, 1-серия. 18.20 «Волга эса Камага қуйилади...» Пермлик мусаввир П. Шардаков ҳақида. 18.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. 22.00 «ВИД» таништиради. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар. 01.30 «Имтиҳон». Бадиий фильм.

● ДУБЛЬ IV

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.20 Инглиз тили. 9.20 «К-2» таништиради: 12.00 «Деҳқонларга таллуқли масала».

* * *

14.25 Фристайл. Европа чемпионати ва кубоги. Акробатика. 15.00 «Простор». 15.30 Мураккаб ёш. «Тон-лабиринт». «Ўн беш ёшли капитан». 16.00 «Урал-ТВ». 16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.00 Хабарлар. 17.20 Эълонлар. 17.25 «Мансаб алифбоси». 17.55 Ишдан бўш пайтингизда. 18.10 «Версия». 18.25 «ХХ аср кадрда ва кадр ортида». 19.20 «Ҳар бир кун байрам». 19.30 «Могиканлар». 20.00 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 20.30 «Танаффус». 20.45 Парламент хабарномаси. 21.00 Хабарлар. 21.20 Эълонлар. 21.25 Бизнинг экспертиза. 22.30 «Бор эканда, йўқ экан». Бадиий фильм. 00.20 Маданий дам олиш кўрсатуви.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

Топширилди — 21.00.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 67.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.